

ЕҚУБЖОН ХУЖАМБЕРДИЕВ

*Ой  
тўлган  
тунлари*

Шеърлар

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёт  
1987

Уз 2  
X 98

X 4702570200—187  
M352(04)—87 Доп. 87

© Гафур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриё-  
ти, 1987 й.

## СУЗ ҲАМ ВАТАН

Сўз ҳам Ватан —  
Шоҳларнинг ватани... Шунданми  
Тил билан қоқилмоқ  
Гуноҳ азалдан.

Сўз ҳам Ватан —  
Шоирлар ватани... Шунданми  
Буюк Навоий  
Сўз билан дунёни  
Олди дафъатан.

Сўз ҳам Ватан —  
Ҳар кимга асли —  
Чидолмасман,  
Хазон каби  
Соврилса сўзлар!

## ОТА ЮРТ

Йиллар ўтди — бугун сочларимда оқ.  
Ҳаммаёқни тутди йўлларнинг ҳиди...  
У олис қишлоқда ёнган бир чироқ  
Қирқ йиллик йўлимни ўзи ёритди.  
Қирқ йилки талпиниб яшайман унга,  
Қўрқаман, пилигин узмаса биров...  
Ўзимни отаман қоронғу тунга,  
Тунлари янада гувлайди олов.

## САФАРДА ЕЗИЛГАН ШЕЪР

Куз келмоқда. Ҳксима кўнглим,  
Яна баҳор мунгни қувади...  
Чангатсойда ўрим ва ўрим,  
Сочларини қизлар ювади.

Куйдиради яна товонни  
Дўнг кўчанинг тупроғи, зори.  
Тупроқ эмас, куйдирар энди —  
Куйдиради юртинг дийдори.

## МУҲАББАТ

Бола эдик — тетапоя тилаклар,  
«Алла» солди кўнглимизга қаноат.  
Келиб-кетди минорларга лайлаклар,  
Сен-чи, қолдинг, оқ сут бўлиб, муҳаббат.

Олисларда жанг борарди беомон,  
Бизда ҳам йўқ, ғанимда ҳам йўқ шафқат.  
Не ўғлонлар кўкрагида ҳар замон  
Найзаларга нишон бўлдинг, муҳаббат.

Оймомодан кулча тилаб тунлари,  
Учиб ўтган самолётга «чўздик» хат.  
Бермаса-да, ҳилол бизга кулчани,  
Қалбимизда умид бўлдинг, муҳаббат.

«Учиб ўтган самолёт,  
Қанотингни пастлаб ўт.  
Мен акамга хат ёздим,  
Жанггоҳларга ташлаб ўт».

Болаликнинг қўшиғи бу, соғинчи,  
Урушларга болаларча бир нафрат,

Гўдакларнинг катталарга ўтинчи —  
Мурғак қалбда унаётган муҳаббат.

Бола эдик, Қия йўлнинг устида  
Галахирмон — гир айлана ҳўкиз, от.  
Хирмондаги болакайлар наздида  
Бошоқ бўлиб етилдинг сен, муҳаббат.

Она-Ернинг сийнасида бир тилсим,  
Болакайлар хаёлида бир ҳайрат,  
Юракларни забт этади бир исм —  
Уша тилсим, ўша ҳайрат — муҳаббат.

Турмуш гоҳи баланд, гоҳи паст кечди,  
Гоҳида хўрландик кимса қошида...  
Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўрнашди —  
Юракка жойлашди, бола ёшида...

Келинчак тўқиган гулдор рўмолча  
Не тонгки, буюрди гоҳи бировга...  
Аламдан ўқталдик ёгон «тўппонча»  
Жангчининг хасмини олган куёвга...

Айрилиқ нелигин билдик ўшанда,  
Ҳар эшикка киргач машъум қоракат.  
Шаҳид кетган яхшиларнинг ўрнига  
Таскин бўлиб келдинг қалбга, муҳаббат...

### УҚАМ АҲМАДЖОНГА ХАТ

«Ҳаёт ўзи шунақа, — дебсан, —  
Ғийбат қилар биров бировни,  
Ким мукофот, ким олар капсан,  
Ким дўстни ёв, дўст қилар ёвни».

Сен истайсан, ўсса баркамол  
Далангдаги навниҳолларинг.

Дўл урмаса, урмаса шамол,  
Соғ бўлишса дўсту ёрларинг.

Омон бўлса камсуқум деҳқон —  
Шу оламни тутиб турган қўл.  
Осмон қадар юксалса хирмон,  
Сен истайсан, йўқолмаса йўл.

Нопоклардан бу гўзал олам  
Пок бўлишин истайсан бутун.  
Шул ҳаётнинг камоли учун  
Қуёш бўлиб яшаса одам.

Биз ухладик, қувватга тўлдик,  
Тотли эди, алдамчи бўса...  
Охир келиб бир дарахт бўлдик,  
Тош отади кўринган кимса...

«Ҳаёт ўзи шунақа, — дебсан, —  
Учирмалар унутар гоҳи:  
Парвоз олган жойин дафъатан,  
Қанот берган пушти-паноҳин».

Сен истайсан, қалбнинг тўрида  
Сақлай олсак одамнинг қадрин,  
Тоблай олсак юрак қўрида  
Бир қиличдай дунёнинг дардин...

## МЕРОС

### I

«Йўқолган пичоқнинг сопи олтин», деб  
Боболар қадимдан такрор айтадир.  
Нақл-ку пичоқдай кескир бир ўғит —  
Кескирлик халқимга меросдир, ахир.

Кўзларим кўргани, қўлим тутгани  
Авлодлар мероси, ҳар фурсат, ҳар он —  
Йўқолган пичоқдир, бугун, эртами  
Сўроқлаб келади қай бир навжувон.

## II

Чўққидан қулади бир зарб-ла оҳу,  
«Гўё авж нардада узилди ғазал».  
Қалбимни тирнади аянч бир туйғу:  
«Нишон бўлмоқ унга меросдир-азал».

Дунё-ку қадимдан беминнат мезбон,  
Мангу яшамоқдир дунёнинг иши.  
Ғайрлик қиламиз унга ҳар замон,  
Меросдир инсонга чаён қилмиши.

Қурашиб яшайди яхши ҳам ёмон,  
Ҳар онда чархланар тилсиз бу бардош.  
Бор экан инсонда инсоний армон,  
Кўникмоқ бизларга кўҳна бир мерос.

## III

Бир ўққи тоғларни ларзага солар,  
Не бўлса тоғонда изгир излардан.  
Асримни титратган атом зарралар —  
Мерос қолмасайди дўстим, бизлардан.

Мерос қолмасайди олчоқлик, ёлгон,  
Истиқбол юзида қора гард бўлиб.  
Мерос қолмасайди манзилсиз карвон,  
Бўғалоқ кўзида сўнгсиз дард бўлиб.

## IV

Турфа хил замонлар мерос қолдирди  
Авлоддан-авлодга яхши-ёмонни.

Қуёшдан ўт олиб ўзин ёндирди,  
Сақлади ва лекин ўзга томонни...

Шунданки, «ўт бўлиб кўриндинг» дея  
Яхшини оловга этарлар қиёс.  
Аждодим оловга сиғинди-куя,  
Шунданки, қуёшга топинмоқ мерос.

Шунданки, қуёшдек меҳр ғунчаси  
Оналар қонида гуллайди қийғос.  
Соғ бўлсин оламнинг тўртта мучаси,  
Соғ бўлсин оқибат — инсоний мерос.

### ДАРАХТНИНГ БАХТИ

Гоҳида дарахтга қиламан ҳавас,  
Ҳар баҳор тугилиш, ҳар баҳор байрам.  
Упкани ёради бу кўм-кўк нафас,  
Тирилар юракда минг бир ҳужайра.

Уйлайман, дарахтнинг мумтоз бахтини,  
Кун келиб оловга тушгунча, ҳайҳот,  
Заминга ботириб оёқларини,  
Ҳар баҳор бошини кўтарар азод...

### ЕНГИН ВА ТОШҚИН

Қалдирғочлар  
Уяларин ташлаб кетсалар,  
Демак, ёнгин эҳтимоли бор...

Қалдирғочлар... қайга кетдингиз?

Чумолилар,  
Ғойиб бўлса сув бўйларидан,  
Демак, тошқин эҳтимоли бор...



Ҷумолилар... қайда қолдингиз?

Гулдир-гулдир —  
Келар кун сайин  
Яширин бир бало босқини —  
Лоқайдликнинг ёнғини билан  
Лоқайдликнинг оғир тошқини.

### БИР ТОҒ ЁТАР

Бир тоғ ётар бу ерларда,  
Музлаб ётар, ёниб ётар...  
Ўзи йиғлаб, ўзи куяр-да,  
Гўё тоғмас, йўқ, жоним ётар.

Ёлгонларни ростга йўйиб,  
Сўзларини ютиб ётар у.  
Водийларга сувларин қуйиб,  
Кўчкиларни кутиб ётар у...

Бир тоғ ётар бу ерларда,  
Қуртлаб кетган қорлар ётар...  
Ўзи йиғлаб, ўзи куяр-да,  
Кунлар чиқар, кунлар ботар...

### ТОЛДИБУЛОҚ

Арслонбобнинг йўллари олис...  
Йўловчига «чанқоқбосди» деб,  
Толдибулоқ бўйида ёлғиз —  
Кўзачадан сув қуяди қиз.

Катта йўлга кўз тикади қиз,  
Кўзларида ёнар бир армон...  
Бориб қолсанг тунми ё кундуз,  
Кутиб олар жимгина, унсиз.

Толдибулоқ, қиздан тонма сен,  
Кўзларингни очган шу қўллар...  
Толдибулоқ бағрим ёнмасин —  
Кўзаларинг қуриб қолмасин...

## ЧОЛЛАР

Кеч куз. Кун пешиндан оққан бир маҳал,  
Букри толлар каби ўтирар чоллар,  
Ненидир кутишар интизор, маҳтал...  
Сўзлашар, суришар узун хаёллар.

Гоҳ бирови луқма ташлаб қўяди:  
— Шаҳарга борувдим, ўғлим олдига..  
Бирн эса неварасин суяди:  
— Билағоним бешни қўшар олтига.

Ҳамон фарзандларни чоллар ўйлайди,  
Толларнинг тагида ўсар орзулар...  
Шамол эсар, мўрилар ҳам тутайди,  
Тол барглари битта-битта узилар...

## АЛИШЕРНИНГ ШЕЪРИ

Мен симлардан ясайман қанот,  
Каптар бўлиб учаман, дада!  
Каптарларни этаману мот,  
Осмонларни қучаман, дада!

Топишмоқлар чўт эмас менга,  
Шаҳар берманг, шаҳар керакмас!  
Бобомларнинг қишлоғи бор-ку,  
Уз-ўзимга берсангиз, шу бас.

Ана, унда қишлоқда, кўринг,  
Алишернинг баланд парвозин.  
Бобомларнинг осмонин беринг,  
Бобомларнинг, беринг, овозин!

## ҚАРҒАМА ШАМОЛНИ

Қарғама шамолни,  
ишонма, айтсалар:  
япроқни шамол  
узди, деб,  
елканни шамол  
бузди, деб...

Қарғама шамолни,  
япроққа, елкангга  
рост гапни  
айтгани учун...

## АРСЛОНБОБ

Қарилликни бўйнига олган  
Боболарим армондан зада.  
Кўли Қуббон нчра йўқолган  
Оқ тойчоқлар қалқди юзага.

Арслонбоб бу — ёнғоқ шаклида!  
Дунё кезган қадим маъводир.  
Арслонбоб бу — тарих шарҳида.  
Ёлғиз жилға, ёлғиз баҳодир.

Эшиклари тамба кўрмаган,  
Қўноқдан ҳеч юзин бурмаган,  
Оҳусида — оҳу хислати,  
Бургутида — бургут қисмати.

---

1 Арслонбоб дунёда ёввойи ёнғоқ ўсадиган ягона маскан бўлган. Олимларнинг фикрича, ҳозирда машҳур юнон «ёнғоғи» ҳам Искандар Зулқарнайн кишилари томонидан шу ердан олиб кетиб, кўпайтирилган.

Арслонбоб бу — тоғлар қўйнида  
Тўрт фаслни енгиб ётган тош.  
Арслонбоб бу — йўғу борига  
Чидаб келган қадимий бардош.

Сен кимларга оддий ёнғоқзор,  
Қай юракда қўриқхонасан,  
Сенга келгач, кетмайди баҳор,  
Табиатга ўзинг онасан.

Қўрмаганди ҳатто тушида  
Ёнғоқзорни фотиҳ Искандар,  
Хушомадгўй олтин ишқида  
Хазинангдан етказди хабар.

Шум сарбозлар отин елдирди,  
Кўзга тўлди шу азиз тупроқ...  
Искандарга шуҳрат келтирди  
Забт этилган бир дона ёнғоқ.

Ёлғизоёқ йўллар элтганди  
Сенга томон яхши-ёмонни.  
Юртни ёвлар талаб кетганда  
Хоин фақат сақлайди жонни.

Хайриятки, боқий диёнат,  
Эй, Арслонбоб, сени асради.  
Диёнатсиз дунё — омонат  
Дор остида турган бош каби.

Эй, Арслонбоб, эй, қадим маскан,  
Бугун дунё бўлиб кўриндинг.  
Бир мададга зор бўлган дамда  
Диёнатдай қалбимга кирдинг.

Искандар-ку, қуроли билан,  
Жанглар билан сени забт этди.

Не бир шоҳлар — фотиҳман деган,  
Қўли очиқ, дунёдан кетди...

Сен-чи, қолдинг, эй, боқий юртим,  
Енғоқзорлар ҳуснингга минг кўрк.  
Искандардан қўрқма, ўтинчим,  
Бағрингдаги хушомаддан қўрқ...

## ҲАҚИҚАТ ДАРАХТИ

*(бувимнинг эртаги)*

У гоҳида одам шаклида  
Узлигин этар намоён.  
«Ҳаққуш» бўлиб учиб гоҳида,  
Ерга тушар, тор келса осмон.

Болаликда эшитганинг — бахт,  
Бир замонлар қучоққа тўлиб  
Усган экан ям-яшил дарахт,  
Сув бўйида нурга интилиб.

Йўловчилар шошқин, бепарво  
Ўтишарди шу жойда қўниб.  
Ҳайратидан «ҳақ» деб бир донё  
Жон берибди дарахтни кўриб...

Донишманднинг нидоси сабаб  
Бу дарахтни «Ҳақ» деб аташди.  
Зиёратга келди ҳар тараф,  
Кучи етган унга тирмашди.

Талаш бўлди аро йўлда у,  
«Ҳақ»қа тенгсиз ҳужум бошланди.  
Бирини шохин юлиб олди-ю,  
Баргларига бири ташланди.

Кимдир кесди дарахт илдин;  
Нимталашди «Ҳақ»ни қаричлаб.  
Йўл бўйида қўймай изини  
Олиб кетди парча-парчалаб...

## ИСКАНДАРНИНГ ШОХИ

### *Дўстларимга*

Кечалар эртақдай бепоён, узун,  
Ҳеч эшитганмисан узун кечани?..  
Кечалар кундуздай, юлдуздай ёруғ  
Ҳеч тинглаганмисан ёруғ кечани.

Қудуқнинг тублари қаро кечадир,  
Осуда жимирлар бу тубсиз ҳаёт,  
Ботирлар кечани охир ичадир,  
Қудуқнинг тублари ўлмас бир баёт.

Қудуққа ишонма, қудуқ айтолмас,  
Искандарнинг нуқсин — шохи борлигин.  
Одамга ишонма, одам айтолмас  
Искандарнинг нуқсин — шохи борлигин.

Ишонсанг, ишонгин мўъжизаларга,  
Мўъжизанинг тили чиққанича йўқ.  
Ишонсанг, ишонгин фақат сўзларга,  
Мўъжиза тилида сўз бўлади ўқ...

Минорлар эртақлар аро чўзар бўй,  
Қай бири кесилган Қалта минордай  
Дилга ваҳм солиб, бошсиз сурар ўй,  
Шоҳларнинг айбини айтмаслар, нетай?

Қасрга ишонма, қаср айтмайди  
Искандарнинг айби — шохи борлигин.

Вазирга ишонма, вазир айтмайди,  
Искандарнинг айби — шохи борлигин.

Ишонсанг ишонгин эртакларга сен,  
Яхшига эртақдан мурад ҳосилдир.  
Ишонсанг, ишонгин, куртакларга сен,  
Куртақнинг бағрида улғаяр ботир.

Қудуқлар айтмаса, айтмасин, нетай,  
Одамлар айтмаса, айтмасин, нетай,  
Қасрлар айтмаса, айтмасин, нетай,  
Вазирлар айтмаса, айтмасин, нетай,  
Эртақнинг сўнгида сеҳрли бир най  
Айтар: Искандарнинг шохи борлигин...

## ЎФИРЛАНГАН ОҚИБАТ

(Эртақдан)

«Ҳайт», деди-ю, бош олиб кетди  
Қишлоғидан буткул йироққа.  
Қирлар ошди, дарёлар кечди,  
Нуроний тоғ тутди сўроққа:

— Неча кунки, бунда тентийсан,  
Ё йўлингдан адашдингми, айт?  
Ўз юртингда қулмисан, бийсан,  
Вақт борида маконингга қайт.

Шунда йигит сўйлади тоққа,  
Етти пуштин эслагач такрор;  
— Чиқармагин мени қочоққа,  
Минг шукрки, юрту элим бор.

Қўйгил мени, ўз ҳолимга қўй,  
Йўлим тўсма, эй, сен боботоғ,  
Адо қилар баграмни бир ўй,  
Элу юртнинг шаънидаги доғ.

Сангтепа, деб айтар қишлоғим,  
Дузлари кенг, чорбоғлари кенг,  
Одамлари — суянган тоғим —  
кенглигини йўқотдилар сўнг.

Йўқотдилар номус, софликни,  
Одамлардан кетди оқибат.  
Борса Чамбил, Кўҳиқофгами  
Асқар тоғдан ўтгандир албат.

Ўтган бўлса, йўлини кўрсат,  
Кўкка учиб, ерга сингдими?  
Хўрлик билан курашган фурсат,  
Оқибатни девлар енгдими?

Оқибатсиз яшамоқ оғир,  
Тимирскилаб, танҳо яшамоқ...  
Бу кетишда қайларга ахир?..  
Кўнгил ярим, сўқирдир қароғ..

Кун чиқардан кун ботаргача,  
Оқибатни топсам қайтарман.  
Тополмасам, жон чиқаргача  
Уни қўшиқ қилиб айтарман!

### ОСМОН ДЕГАНЛАРИ

Осмон деганлари шунча баландми?  
Осмон деганлари мунча мусаффо?  
Билмадим кечмиди ёки саҳарми,  
Осмондай юракдан тингладим наво.

Осмон деганлари шунча пастмикан,  
Осмон деганлари мунча мусаффо?  
Билмам, ҳавасданми ёки қасдданми  
Осмонга интилиб яшайди дунё.



## МУВОЗАНАТ

Умр кечаверар ўтади ҳаёт,  
Айланади йиллар, фасллар бир-бир.  
Недир у, дўстларим, қандайин сабот  
Бу қўҳна оламини тутолган, ахир.

Қулоғим остида жаранглар садо:  
«Бу дунё кўзлари очкўз, бешафқат.  
Она-Ер бўлмасди инсонга маъво,  
Бўлмасайди агар буюк муҳаббат...»

## УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ

Очлик, сени севмайман энди!  
А. Пла онов

Очлик, сени севмайман энди,  
Энди рухсат — тўрт томон қибла.  
Билолмадим, ким кимни енгди,  
Юрагимда турди зилзила...

Сени судраб юрмоққа ҳол йўқ,  
Нон йўқ, сув йўқ сенга бергани.  
Борми ўзи бирор кимса тўқ?  
«Тўқ» кўзларни борми кўрганнинг?

Бир юпанчим сен қолган эдинг  
Кўп кўриндинг сен ҳам кўзимга.  
Сен-ку сенсан — дарбадар қайғу,  
Кўп кўриндим ўзим ўзимга.

Зотан, уруш сен билан бизни  
Бир ёстиққа михлаб ташлади.  
Кетмоқдаман танаймай ўзни,  
Сени эса таний бошладим...

Очлик, менга кўп нарса айтдинг,  
Англай олдим дўсту душманини.  
Биров юрту элидан қайтди,  
Асраш учун исқирт танини.

Кунчиқарда бир дўстим бордир,  
Кунботарда бир душманам бор.  
Сен кўрганинг қатлу қирондир,  
Мен кўрганим вайрон бир диёр.

Дунё шуми, англа, очлигим?  
Сенга қўшиб кечдилар мендан.  
Қалбдан туйғу, ҳаттоки, мунгим  
Ўғирлашди, сездирмай, зимдан...

Алвидо, эй, хаёлий сурат,  
Энди ёлғиз яшагин ўзинг.  
Тан очлиги, бу — бир зарурат,  
Оч бўлмасин ҳеч қачон кўзинг.

\* \* \*

*Уильям Сароянни ўқиб*

Уй керак инсонга  
Туғилмоқ учун,  
Ва яна керакдир  
Ўлмоқ учун ҳам.

О, уйлар шундайин...  
Йўрғак ва кафан...  
Яшамоққа эса  
Керакдир Ватан!

### КИПРИКДАГИ ЮК

Хира тортган кўзларингда гам,  
Онажоним, боқмайсан тетик.

Нелар сенга етказди алам,  
Киприкларда қатра-қатра юк.  
Хира тортган кўзларингда ғам.

Юкларингни, она, менга бер,  
Олисларга ортмоқлаб кетай,  
Сен шодликка тимсол бўлавер,  
Кўзларингда нам кўрмай ўтай,  
Юкларингни, она, менга бер...

### ЖАНГЧИНИНГ ОНАСИ

Мен онаман!  
Ҳалиям урушдан  
Қайтмади ўғлим...  
Улим! Улим!  
Сендан тонаман!  
Кўнглим тўқ,  
Уғлим тирик!  
У жанггоҳдан қайтмади.

Демак,

Ҳали уруш тугагани йўқ...

### ЖАНГЧИНИНГ БЕВАСИ

Кечалар йиғлайди бир девор қўшним,  
Хоналарда юриб йиғлайди кампир.  
Умрида билмади бир лаҳза қўним,  
Ўз уйида сезар ўзин мусофир.

Билмади, билишга қизиқмади, йўқ,  
Ким учун йиқилди жангда ботири...  
Узоқ Европадан отилган бир ўқ  
Учириб ташлагач унинг хотирин...

Кечалар йиғлайди бир девор қўшним.

## ПОЧТАЧИЛАР

«Ҳалок бўлди қаҳрамонларча  
Улуғ жангда ботир ўғлингиз!..»  
«Қорахат»да армонлар қанча!..  
Сўзлар — ханжар, жумлалар тифис.

«Ҳалок бўлди қаҳрамонларча  
Улуғ жангда ботир ўғлингиз!»  
«Тирик» деган гумонлар қанча!..  
«Қорахат»лар келар изма-из.

Кимдан, кимга борур бу хатлар,  
Ким етказар, тутқазади ким.  
Почтачилар — мажруҳ юраклар,  
Ҳамон сизга ачишар қалбим.

Ҳамон кезар уруш кўлкаси,  
Ҳамон кимдир айтади юзга:  
— Почтачининг қора сумкаси  
Тобут бўлиб кўринар кўзга...

## ИНҚИЛОБ ХИЁБОНИДА

Қуз қуёши мудраб ботади,  
Тор кўринар кўзимга шаҳар.  
Болакайлар хазон ёқади,  
Хазонларга ёнмоқ ярашар...

Филтиллайди бўғзимда алам —  
Тириклайн ёнганлар ёди.  
Кўзларимга ботади олам  
Босиб келгач мезий фарёди.

Бир фарёдким, у ҳануз яшар,  
Болакайлар хазон ёқишар...

## ЎТТИЗ ЕШЛИЛАР

*(Америкалик ишсиз Чарлз Хорманнинг  
туғилган кундаги ўйлари)*

Ҳозирги кунда ривожланган капиталистик мамлакатларда ишсизлар армияси 17 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади.

(Газета хабаридан)

Сени кўймоқдаман,  
Рангли, рангсиз хотиралар қўйнига,  
Кўймоқдаман сени —  
Эй, ўттиз ёшим!  
Оқшом чўқар — оқшом...  
Шу оқшом бўлар  
Сенга сўнгги кўз ва сўнгги илинж.  
Шу оқшом тўлар паймонанг,  
Чайқалиб-чайқалиб тўкилади у...  
Оқшом — асли менга қора шом!

Тўкилган ҳар томчи минг бир хотира —  
Шамолга сингиди, ўша ўн минг  
Саккиз юз кун...  
Сингиди шамолга тақдир ишончи,  
Чақмоқдай ёшлигим чақнамай ўтди.  
Миллионлар тақдири ўтмоқда шундай,  
Миллионларни ютди ҳаракатсизлик.  
Сен, эй умрим —  
Толедан тиланиб олган қувончим,  
Учдинг шамолга.  
Дунёга ҳеч нарса беролмадинг.

Дунёни дунёдай кўролмадинг,  
Ўзгартиролмадинг ватанни!  
Эй, ўттиз ёш! Ўттиз ёшлилар  
«Бу кун кўмар сени ўз юрагига».

## БИЗ ДУНЕДА ЧАҚАЛОҚМИЗ

Поезд

Тебранади беланчак мисол.  
Мудраб борар чақалоқлар —  
Ҳар хил ёшли. баъзилари чол.

Поезд

Чинқиради

Ўўл бағрини тилиб боради,  
Қолиб кетди қанча боғлар,  
Қанча дарё, қанча чироқлар.  
Поезд ҳамон, терлаб «сағрини»  
Илдам юради.

Уйга.

Уйимизга боряпман...

Унда онам —

Меҳрибон ҳид кутмоқда.

Неча йиллар

Соғинчини ютмоқда.

Кечкириб, кундузнинг

сўнганда кўзи,

Кимсасиз

Сокин перронда

Қутиб олди онамнинг ўзи...

Тентирадим тонггача шу кеч,

Шабададай беқарор кезиб.

Тентирадим, тополмадим ҳеч

Болаликдан бирор из, нишон...

Елғиз эдим,

Болалигим туфайли ҳамон

Тентирайман бир меҳр излаб...

Поезд,

Тебранади беланчак мисол,

Мудраб борар чақалоқлар —

Баъзилари йигит, баъзилари чол...

## СИНЧЛИ УЙЛАР

«Элзиладан йиқилмади,  
Синчли уйлар қолди ўрнида», —  
Дея кимдир айтди, билмадим,  
Қадим Бухоронинг йўлида.

Балки бу шунчаки эрмакдир  
Ё алдовга йўғрилган юпанч.  
Балки бу энг содда эртақдир  
Ё балки бу энг оддий ишонч.

Не бўлса-да, шу гап айтилди:  
«Синчли уйлар қолди ўрнида,  
Бошқалари таппа йиқилди  
Қадим Бухоронинг йўлида...»

## ХАЁЛ

Ўз уйида ўлан тўшакда  
Ухлаб ётган аёл ёнида  
У шундайин хаёл қилади:

Даҳлизи бор мўъжаз уй бўлса,  
Уйни уй ку аёл қилади,  
Уйга кирсанг, мушки бўй бўлса.

Ишдан кейин дайдиб кетмасанг,  
Билсанг кимдир интиқ кутишни.  
Кўнглинг тинчиб сен ҳам ухласанг,  
Аёл айтса саҳар пайт тушин...

У шундайин хаёл қилади...  
Ўз уйида, ўлан тўшакда  
Ухлаб ётган аёл ёнида.

## ҚУЁШГА ҚАСДМА ҚАСД

Ҳар тонгда уйғониб кетасан,  
Қуёшнинг нурлари алқайди.  
Тириклик дастидан тутасан,  
Қўнглингда аллаким йиғлайди...

Йўқ, дейсан, ҳаёт шу азалдан,  
Йўлимизни қуёш бошлайди...  
Қўнглингда аллаким ғазабдан  
Қуёшга қасдма-қасд  
Яшайди...

## ИНТИҚЛИК

Дераза ортида қуёш ботмоқда,  
Қуёшга маъносиз боқар дераза.  
Хонада сукунат...  
Ўктам бир аёл,  
Сочлари кўркем бир аёл,  
Елғиз бир аёл фарзанд кутмоқда,  
Аёлга маъносиз боқар дераза...

Уфққа қарайди ўктам бу аёл:  
Эҳ, қани, симириб бўлса нурларни,  
Бағрига босса шу  
Баркашдай Қуёшни бир зум  
Бўлажак фарзанди мисол...  
Ким бор, ҳой, қайдасан, халоскор туйғу,  
Ланг очиб юборгин деразаларни.

## ЎЗ ИЧИГА СИГМАГАН ОДАМ

Ўз ичимга мен сигмай қолдим  
Юрагимни «тарс» ёрди қувонч.  
Кўчаларга тушиб, йўқолдим —  
Кўчаларда изладим юпанч.



Кўчаларда кўрдим дамо-дам  
Кулганларни, йиғлаганларни:  
Кўчаларда бу юрганлар ҳам  
Уз ичига сиғмаганларми?!

### ҚАДАМИНГДА..

Қадамингда қут келтиргансан,  
Кўзларингда орзу, хаёлни.  
Сезмай қолдим, бахтим экансан,  
Сезмай қолдим сендек аёлни.

Қадамингда кетмоқда умр,  
Сочларимда бугун оқ хаёл...  
Кетиб қолма, сен ёнимда тур,  
Кетиб қолма, бокира аёл.

### ҲУСАЙНИЛАР

Ишкомда товланар  
Оқ-қизил ҳусайнилар.  
Улар худди —  
Сенинг нозик бармоқларинг...

Ҳусайнилар — нозик бармоқлар,  
Эй, ишкомнинг рангин меваси...  
Бандингиздан қирқмоқ бўларлар,  
Яқинлашар биров нафаси.

### ГУЛЛАРГА РАҲМ ҚИЛ

Бағир, гул керакми?  
Мана, оқ, оппоқ гуллар...  
Қучоқла уларни,  
Жой бер, гулларга!

Бемалол барг ёзмоқ учун  
Жой керак..  
Бағир, гул керакми?  
Раҳм қил, гулларга!

### ТАРКИ ОДАТ

Жудаям паст эди,  
биз ўсган уйлар,  
Энгашиб юрардик  
хоналарида.

Энди... уйларимиз  
баланд... Негадир,  
энгашиб юрамиз  
хоналарида...

### БАЙРАМПАРАСТ КИМСА

Кучугим ҳурса ҳам байрам қиламан,  
Товуғим туғса ҳам байрам қиламан.  
Бировдан қарз олиб байрам қиламан.  
Бировга қарз бериб байрам қиламан.

Кўчада йиқилиб байрам қиламан,  
Сўзимда сўроқ йўқ, барчаси хитоб!  
Ёнғоқдай чақилиб, байрам қиламан,  
Кунларим шундайин бўлади китоб!

### ОЛАЧАЛПОҚ ТУШ

Ваҳм солар шалди роқ сойлар  
Тутаб ётган туннинг бағрида.  
Неча Бобур, неча Қодирий  
Чиқиб келар сойлар қаъридан.

Боши тошдан, оёқлари тош,  
Тош ушлаган ясовуллари.  
Баданлари, сиеқлари тош,  
Тош тутади баковуллари...

— Олинг, — дейди — баҳам кўрамиз,  
Ахир бизлар — қадим юртдошлар.  
Олаверинг, мана, бўламиз,  
Бу ўзингиз — сиз отган тошлар...

\* \* \*

У аввал курашдан қочди,  
Сўнг қочди ўзи-ўзидан.  
Нафратин қумларга сочди,  
Шу қумлар тўлди кўзига.

Билмади борган ерини,  
Сукунат ўрай бошлади.  
Унутди тилини, элини,  
Жувонмарг бўлиб яшади.

### ДЕВОРНИНГ ҚУЛОҒИ

Бунча ҳам сезгирсан,  
«Фир» этган шамолни  
Илғаб оласан.

Хавфим бор: бир кун  
Шамоллаб қоласан.  
Деворнинг қулоғи...

### ҚИЯ ЙЎЛДА

Қия йўллар ёнбошлаб ётар  
Қоратошнинг<sup>1</sup> шундоқ пойида.

---

<sup>1</sup> Қоратош — тоғлик жой номи.

Қия йўлдан кимдир тош отар  
Тик юрганга ётган жойидан...

### ҚУШ ВА ЮРАК

Қушга осон,  
хоҳласа, учиб кетади.  
Қуш бўлишга  
ҳоли йўқ,  
юракка қийин...

### РАҚС

Даврада раққослар  
Қўлга-қўл ташлашиб,  
Жипс ўйнайди.

— Дадажон, ким улар?  
— Қадимий рақс бу,  
Булар — гуржилар!

— Дадажон жуда ҳам  
Истайман шу ишни,  
Қўлга-қўл ташлаган  
Гуржи бўлишни...

### ЯПРОҚ

Шохидан узилди  
бир яшил япроқ,  
баҳорий япроқ...

Учириб кетди шамол,  
баҳорий шамол  
япроқни ўйнатиб,  
Осмон фалакка.

Энди армон қилмас  
хазонга айланса  
баҳорий япроқ,  
бахтиёр япроқ...

### СУҲБАТ

— Сен мени тушунгин,  
Эй, хурсанд одам.  
Рост бўлса қувончинг,  
Бўлиш менга ҳам...

— Бўлинмай қолгани  
Шу эди ўзи!

### ЙЎЛДАГИ ТОШ

Оқшомлар алдайди,  
Тонглар умидбахш.  
Кун сайин каттарди  
Йўл бўйида тош...

### ХОТИРА

Бир баҳор ўтди,  
Ўтиб кетди куз...  
Эсда қолди бир  
Езнинг куйгани...

### ҚАБРИСТОНДА

Қизгалдоқли томлар уйқуда,  
Чироқларни ўчирмай ухлар...  
Бунча ёруғ, бунча осуда  
Бунча сергак ухлайди улар...

## ҚАЙРОҚТОШ

Сен раққос қўлида  
Чақ-чақлаб сайрайсан.  
Алдама, биламиз,  
Тиғ борки, қайрайсан.

## КОШКИ...

Бир кун саҳарда  
уйғониб кетдим  
ва сени эсладим  
дўстим, дафъатан.  
Қанийди уйғонсанг,  
Сен ҳам бир куни...

## ТУХТАМА

Тўхтама. «Чўли ироқ»  
Тўхтаганича йўқ...  
Орқангдан юради,  
бир офир ўтмишни  
орқалаб боради  
«Чўли ироқ...»

## УНДАЙ БУЛМАГАН

— Мен қаерда кўрганман сизни?  
Қачон эди, ўлай, тополсам!  
— Йўқ, сиз мени кўрмагансиз ҳеч,  
кўролмагансиз...

## ЭНДИ БУ НИМАСИ?

Туннинг узунлиги, майли,  
Куннинг узунлиги, майли.  
Бу қулоғинг энди нимаси!..

## РАНГ

Кўзингга муҳрла бугдой рангини,  
Бир куни кўзларинг юмсанг кўрасан:  
Ватан ва муҳаббат ана шу рангда.

## ФИКР

Балки синчалак ҳақдир:  
Кўтариб тургандир  
Осмонни ўзи!..

## СУНГГИ ХУЛОСА

Оёқ ости — тўла тасодиф,  
Тасодифдан йиқилар одам,  
Тўполонда гоҳ бораётиб  
Юрагингга санчилар қадам...

Лекин билки, сенинг олдингда  
Тасодифлар қолади абас...  
Сен ўзингни охирги дамда  
Тасодиф деб, ўйламанг, бас!

## ҚУМСАШ

Яна баҳор келди, луччак гуллади,  
Чечаклар тергани чопди болалар.  
Чангатсой бўйида диллар қувнади,  
Ҳар йилги гулхани ёқди лолалар.

Яна баҳор келди, гуллади луччак,  
Гуллари сийрақдир, новдаси қари.  
Қани у болалик, қани гул-чечак,  
Кўнгилда гуркирар кузнинг гулхани.

Чиллада оқўрик гуллаган кунлар,  
 Қуёшли кундузлар, ойдин кечалар,  
 Шодликка тўйган у бағри бутунлар,  
 Оқшомлар чангиган тупроқ кўчалар  
 Сени эслатар, сени эслатар.

Қишнинг қоқ ўртаси Жўга бўйлари  
 Қопланди кўм-кўк бир майсалар билан,  
 Бемаврид келган бу баҳор бўйлари —  
 Бир пайтлар энтикиб мен айтган ўлан —  
 Сени эслатар, сени эслатар.

Бир пайтлар Жўга ҳам тўлиб оққанди,  
 Қувноқ эди Ғафур Ғулом кўчаси,  
 Утди, ўтиб кетди, сочлар оқарди,  
 Лек ҳамон қип-қизил қўшним олчаси —  
 Сени эслатар, сени эслатар...

### УЙЧАН КЎЗЛАРИНГНИ...

Уйчан кўзларингни ўйлайман ҳануз,  
 Ҳануз юрагимда аччиқ изтироб.  
 Теграмда баҳору, юрагимда куз,  
 Олис саволларга излайман жавоб.

Олис хотиротга гулдаста тизиб,  
 Жимгина тутаман жавоб кутаман.  
 Сукунат қўйнидан ёш оқар сизиб,  
 Уйчан кўзларингни ўйлаб ўтаман...

### ЭНДИ НИМА БУЛАР?

Узун йўлак.  
 Тимқоронғу, заҳ босган йўлак.



Йўлакдан гоҳ тўғри, гоҳо йиқилиб  
Бораяпман сен томон, сенга интилиб.

Мени кечир,  
Етолмасам сенга, қуёшим!  
Мана шу йўлакда тош қотса таним,  
Танимай ўтсалар на дўст, на ғаним,  
Қандай даҳшат!

Қўлларим чўзаман, етмайди...  
Юзимга урилар кўршапалаклар,  
Чаёнларга тўла бунда каваклар.

Мана етдим!  
Этакларинг тутдим, қуёшим!..  
Энди на йўлак бор, на-да, интилиш,  
Енимда ётибди мажақланган туш...

## БОЛАНИ АЛДАШДИ

...Боланинг ғазаби энг қадимий исён-  
ларнинг фарзанди эмиш.

Болани алдашди, болалик қилиб  
Ҳар сафар алдоққа кўниб юрди у.  
Ой чиққан тунмиди, ёруғ кунмиди,  
Дарё деб ишониб, югуриб-елиб,  
Ариқчага алданганин кўрди у.

Сўнг йиғлади, ғазаб билан йиғлади,  
Юраги — аламлик, кўзи жолалик,  
Бола йигитликни шундай йўқлади,  
Ариқчага оқиб кетди болалик...

## ЮР ЭНДИ, ҚИШЛОҚҚА КЕТАМИЗ

Юр энди, қишлоққа кетамиз,  
Сузоқ деган катта қишлоққа.  
Чангатсойда бирга оқамиз,  
Термиламиз Чаккабулоққа.

Қия йўлнинг шундай бошида  
Галахирмон тўла бугдойдир...  
«Хур қиз», дея бола ёшида  
Хирмон йўлда ўсиб-улғайдик.

Жилғаларда бўғиқ садолар:  
«Хур қиз-у-у-у...»  
Жилғаларда акс-садолар:  
«Ху-у-у-у...»

«Хур қиз»ларни чорладик бизлар,  
Жилғаларда толиб ахтардик.  
Болаликдан тоғиб ахтардик,  
Алдаб кетди эсиз, «Хур қиз»лар...

Юр энди, бир қишлоқ қолди,  
Биз севган, биз юрган қишлоқ.  
«Хур қиз»ларга ишонч йўқолди,  
Жилғаларга кўмилди чақмоқ...

### ХАЗАНАК ОЛМАДЕК...

Йўллар дарахтдир.  
Новдадек эгилиб боради йўллар...  
Новдадек узундир,  
Новдадек калта...

Йўллар — чексизлик,  
Йўллар — бир зумлик...

Осилиб қолмагин фақат сен, юрак,  
Хазанак олмадек  
Иўлнинг бошида.

### СОЙ БЎИИДА

Қишлоқ чети — сой бўйидаман,  
Оқизоқдай оқмоқдаман жим.  
Ёлғизликдан юрагим рижим,  
Қишлоқ чети — сой бўйидаман.

Кўзларимга уринар ранглар,  
Улар суюқ, улар бетаъсир,  
Нигоҳимни этолмай асир  
Кўзларимга уринар ранглар.

Ана, кўкда ҳилол кўринди,  
«Тарс» ёрилди пайкалда қовун,  
Сой бўйида дардчил эди тун,  
Ана, кўкда ҳилол кўринди.

### ОЙ ТЎЛГАН ТУНЛАРИ

Ойдин тунлар яна бошланди;  
Сувга чиқар ойдаи хотинлар.  
Анҳор бўйлаб чопайлик энди  
Ой тўлган тунлари.

Эҳ, ўғирлаб кетишар бўлди  
Пақирларда ойни хотинлар...  
Пақирларда ойлар бўғилди  
Ой тўлган тунлари...

### ЁМҒИР ЁҒАР...

Шитирлайди шохлардаги барг,  
Ёмғир ёғар сирли, бепарво.

Боғларда ҳам ҳазин бир наво,  
Шитирлайди шохлардаги барг.

Нозик қўлга, иссиқ бағирга —  
Интизордир қайси бир чаноқ.  
Уша чаноқ — мен каби чанқоқ —  
Нозик қўлга, иссиқ бағирга.

Ёмғир ёғар, кеч куз ёмғири.

## ҚАҚНУС

Ривоятларга кўра, қақнус қуши ўзи  
тўплаган хас-чўп хирмони устида шундай  
сайрар эканки, куйидан хирмонга ўт ту-  
шиб, ўзи ҳам ёниб кетаркан. Кулидан  
эса яна қақнус жўжаси пайдо бўларкан...

Бир наво келди,  
Куй келди ғариб,  
Куйлаётган у  
Қақнусми, ҳориб?

Бир олов келди,  
Ўт келди ёриб,  
Қақнусгина ё  
Кетдими ёниб...

Бир мужда келди,  
Кун келар ёниқ:  
Қақнус ёнса-да,  
Сайраши аниқ..

## ОТ ҲАЙДАШ

Чу, ҳа, отим, чу энди,  
Заҳар бўлди сув энди,

Душманларни қув энди,  
Чу, ҳа, отим, чу энди.

Йўллар тойғоқ, яланди,  
Бошини суқса юртларга!<sup>1</sup>  
Тулпоргинам таланди,  
Гала-гала итларга.

Чу, ҳа, отим, чу энди,  
Ўтиб қолма тур энди.  
Ҳу, водийни кўр энди,  
Чу, ҳа, отим, чу энди.

Бир келин бор интизор,  
Заҳарлатма сувини,  
Бир бия бор ғамгусор,  
Яйрамайди қулуни...

Чу, ҳа, отим, чу энди,  
Бир келиннинг қўлини,  
Бир биянинг қулуни  
Кўзёшинг-ла юв энди.

## ОҚ ТЕРАГИМ

«Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак...»  
Оқ терагим — қайлиғим,  
Бу дунёда сен керак...

Сен меними кутасан?  
Дунёдан тоқ ўтасан,  
Балки қонлар ютасан,  
Оқ терагим — қайлиғим.

---

<sup>1</sup> Ю р г — ўтов маъносиди.

Ёргинам ер чизма кўп,  
Бут кўнглингни бузма кўп.  
Гам-андухлар чекма кўп,  
Уйларингга чўкма кўп.

Менга қия йўллар берк  
Борай десам ёнингга,  
Мен чиққан у уйлар берк,  
Қирай десам ёнингга.

«Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак...»  
Оқ терагим — қайлигим,  
Бу дунёда сен керак...

### ҚУШИҚ

Сувда оққан оқизофинг,  
Оқмиди ё қизилмиди?  
Севдим деган сўзларинг  
Чинмиди ё ҳазилмиди?

Қир ош, дединг, қир ошдим,  
Қир ортида овулдир.  
Овулдаги чет йўлда  
Сир оч, дединг, сир очдим.

Баҳор таққан чечакни  
Ёз ёндирар аёвсиз.  
Жондан севган ёрингни  
Ташлаб кетдинг қаровсиз.

### БУРЧАҚЛАР

Куёв тўра миниб келар оқ тўриқ,  
Тўрт бурчакка ташланади пар тўшак.  
Чирсиллайди қўлдан-қўлга исириқ,  
Куёвини сақласин-эй, ҳар бурчак.

Чимилдиқлар ёр-ёр билан тутилар,  
Чимилдиқнинг ҳошияси тилла чок.  
Бевалар оҳ, дея огир ютинар,  
Келинчагин асрасин-эй ҳар бурчак.

Бурчаклар-ку куёвларин аёвлар,  
Келиндарин асраб келди ҳар бурчак...  
Бурчагини асрамади куёвлар,  
Бурчагини сотиб кетди келинчак..

### ҚОРАСУВ БҲЙИДА

Кўп нарсадан кечишим керак эди,  
Кўп нарсага боғлиқ эди ҳаётим...  
Умр-ку, бир тутам қишнинг кунидай,  
Ҳу адир ортида ботар қизариб..  
Эртани ўйладим, кечмай бугундан,  
Қаршимда тириклик турди гезариб.  
Қорасув бўйида барг ёзди ялпиз,  
Баҳор қўйди ҳар гиёҳга бир исм.  
Сув олгани чиққан ўша маъсум қиз —  
Менинг ҳуркак қизалоғим, Мунисим.  
Мен қандай кечайин, ахир, бу баҳор,  
Бу анҳор, бу Ватан — шулардир жисмим.  
Ва шудир — энг буюк шеърим, эҳтимол,  
Мана шу баҳордай суюкли қизим.

### БЕЛАНЧАК

Қўш толга боғланган  
Беланчак тебранар.  
Беланчак қўйнида  
Болажон уйғонар.

Болажон тамшанар  
Лаблари бурилиб...

Безовта ғашланар,  
Ешлари қуюлиб.

— Йиғлама, бораман,  
Тугатиб эгатни.  
Сен қандай боласан,  
Билмайсан уятни...

Эгат-чи, бир узун  
Ҳу, ўша довонча...  
Болажон — бетўзим,  
Тебранар беланчак.

— Ҳа, мана тугатдим,  
Тўлсин шу эгагим...  
Беланчак «уялди»,  
Бир нафас қолди жим...

Этак-чи, ўхшайди  
Ялмоғиз оғзига.  
Олтин куз қақшайди  
Боланинг бўғзида...

Қўш толга боғланган  
Беланчек тебранар.

## УЙҒОҚЛИК

Тинч қўйиб бўлмайди ҳеч кимни,  
бугунги бу нотинч дунёда.  
Тунда тур, чақиргин итингни:  
— Тўрткўз, ҳей, ухлама зиёда...

Айтиб қўй, хотининг сўкмасин  
ярим тунда чироқни ёқсанг,  
Армонларнинг гулханида сен  
ёқсанг ўзингни...



Уйғотиб боравер манзилга  
«Зилзила» десинлар уйғониб..  
Балки шу сергаклик заминга  
Бахт берар қўрқувни қўлориб..

### БЕВА

Дераза ғичирлаб очилар,  
Юлқилаб тортади пардани  
Шамол..

Овозлар тирқираб сочилағ  
Тортади кўчага бевани  
Хаёл..

Овозлар йиғлатар бевани,  
Овозлар бевани юпатар..

### ЯЙЛОВДАН ҚАЙТИШ

Қанисиз-эй, қайлардасиз, саман тойларим,  
Кимлар сизни уюрлардан уриб ҳайдади?  
Қўмсаганим яйловлардан бу кун топмадим,  
Балки сизни қирчанғилар тунда алдади..

Белингизда йилқичининг тотли қимизи —  
Лўкиллайди, ҳар қадамда пишиб, шоширар.  
Сиз билмайсиз, қимизгина ким учун ўзи,  
Кимларнинг косасини тўлиб-тоширар.

Борар жойлар олисмикан топсам изингиз,  
Сизсиз менинг кўнглим ўксиб, чил-чил синади.  
Жиловларга кўникмаган эди кўзингиз,  
Кўникмаган йўлларга кўз қандай кўнади?

Кўникмоқ бу одамзодга хос эрур асли,  
Сиз бўлсангиз яйловларнинг саман тойисиз.

Толиқтирар нотаниш йўл баланди, пасти,  
Наҳот, шудир саман тойлар, келган жойингиз?!

Кенг яйловлар сизга энди тутмайди этак,  
Кенг яйловлар сизсиз заҳил, бағри тор бугун.  
Йўли олис йилқичи ҳам бериб ем-хашак,  
Ҳайдаверар, ҳайдаверар — бошда-чи, юган.

Оҳ, қайларга бормоқдасиз, саман тойларим?!

## КАМПИРНИНГ ДЕВОРИ

### *Фельетон*

Уйимиз, шу десанг, йўлнинг устида,  
Йўлчи борки, қоқар эшигимизни.  
Кўп жойга арз қилдим, бари беҳуда,  
Бир кўриб чиқ, болам, шу ишимизни.

Ёмон экан, йўлга тушса тинч уйинг,  
Гўё ўз жойингда ўзинг мусофир.  
Кўзингга кўринмас қўрада қўйинг,  
Бир умр яшаган уйинг кўрниар.

Ҳовли тўла мева, борсанг кўрасан,  
Раҳматлик чолим ҳам зап боғбон ўтган.  
Егани майли-я, хурсанд бўласан,  
Кўймайди тош отиб ўтгану кетган.

Шу зайл мевага келади қирон,  
Туққанинг бўлса-ю, биласан ўзинг..  
Алам қилар экан, сўрамай биров  
Экканинг топтаса, ўтмаса сўзинг.

Шу десанг, болажон, бурукли ойим  
Ўтиб қолди бир кун кучук етаклаб.  
Уйдаги мушугим қанча тўсмайин  
Эшакдек кучукка қолди-ку сакраб..

«Ҳай, майли, мушук-да, шернинг авлоди,  
Ит-мушук бўлишга арзирли гап йўқ»,  
Дейману, лекигин бировнинг ити  
Уйингда таласа ана шундан қўрқ.

Раисга сўзландим: сенинг бағринг тош,  
Деворим буздингу олмадинг хабар!  
Қулоғингга айтай: ўзларингдан бош,  
Ҳа, деса сарқит деб, бузасиз девор.

Бузмасинмас, майли, уйиб бузишсин,  
Рости ҳам деворлар сарқитдир, бироқ  
ўрнига ўринни қўйиб бузишсин,  
Кўчада, ёнмасин уйдаги чироқ...

Сен балки ўйларсан: «Бу хасис кампир  
Қизганар ҳаттоки чироқ ёруғин,  
Оёги гўрда-ю, тили қалампир,  
Учратдим одамнинг тоза қирригин».

Нима деб ўйласанг, ўйлайвер, бўтам,  
Арзимга етсанг гар раҳмат оларсан.  
Етмасанг, айб эмас, қил хотиринг жам,  
Узинг ҳам деворсиз экансан, билсам.

## УН БОЛАЛИК ОТАЛАР

*(кичик драма)*

Утган йили кузнинг охирларида хизмат юзасидан республикамизнинг жанубий областларидан бирида бўлдим. Ушанда менга шундай воқеани ҳикоя қилиб беришди.

«Бундан бир неча йил олдин областдаги янги раҳбарлардан бири колхозимизга вакил бўлиб қолди. Кела солиб қилган иши шу бўлдики, раис ва бригадирларни тўплаб, «Қанчадан боланг бор? Даромадинг қанча?»

деб сурштира бошлади. Бир бригадиримиз вакил билан сал айтишиб ҳам қолди. Шунда ҳалиги вакил: «Ҳей, бригадир, уйингда ўнта боланг бўлса, оладиган маошинг тайин, бола-чақангни боқишга етмайди. Демак, ўррилик қилиб яшайсан!» — деб уни шу тобнинг ўзида ишдан бўшатиб юборди. Бригадир бечора ҳалол одам эди. Кўп ичимиз ачишди...»

Ана шу ҳикоя узоқ вақтгача хаёлимдан кетмади. Бу борада бир мақола ҳам ёздим. Лекин юрагимнинг аллақарида ҳануз бир тугун бор...

## ШОИР

Одам! Қачон бинолар бўлдинг,  
Қай маҳалдан дунёда борсан?  
Гўдак туриб гуноҳга тўлдинг,  
Кимсан ўзинг, қандай асрорсан?

«Инсон» номин олгансан қачон  
Ким у, сенга берган забонлар?!  
Юрагингда оқар қандай қон,  
Ким яратди, қайси замонлар?!

Елғонларинг рост бўларми бир,  
Ҳийлаларга кўндинг қай кундан?  
Айтгил, кимдир аждодинг, ахир,  
Тарқагансан, наҳот, маймундан?

Бор буғдойни еб бўлиб ўзинг,  
Чумолига айбни қўясан!  
Очилади, айт, қачон кўзинг,  
Айтгил, қачон одил бўласан?

## Чол

Тоқатим йўқ бу савдоларга,  
Бу дунёда барча ҳақман дер.

Қанча учма сен самоларға,  
Қайтар жойинг шу тупроқ, шу ер.

Ҳамма гапни айтмоқ шарт эмас,  
Лекин шартдир кўнгил ёрмоғим.  
Зотан, булар барчаси абас,  
Ўзимники бутун ямоғим...

Неки қилсам — ўзим қилдим мен,  
Тўғриси ҳам ўғриси — ўзим  
Не ўтганин ўзим билдим мен,  
Асли бизда зўр экан тўзим.

Нафас олар олис инқилоб  
Хотирамнинг томирларида.  
Мен Лениндан олганман сабоқ,  
Ленин яшар кўнглим тўрида.

Қисқаси шу: шийпон юзида,  
Пахта терим қизиган бир чоқ...  
Болаларнинг шундай кўзида  
Оталарни этипди сўроқ.

Бригадирдан сўради вакил:  
Фарзанд қанча, айтинг-чи, падар?!  
— Буюрса, шу йил  
Унтага етар...

Раис бобо, хўш, сизда қанча?  
— Ҳисобини билмайман, — туриб, —  
Бизда ҳам бор ҳар ҳолда анча, —  
Деб кулли у ҳазилга буриб...

— Сиз-чи, ўртоқ... Сиз кимсиз, айтинг  
Ўғил-қизлар кўп бўлса керак?  
— Мен сувчиман. Нега бўлмайди,  
Бўлганда ҳам роса бир этак...

...Уша вақил синчков ва бардам  
Тафтиш қилди битта-битталаб.  
Кейин эса сипо, хотиржам  
Сўз бошлади ҳаммага қараб.

### Вакил

Пахта керак, керакдир план,  
Оғир меҳнат маҳсулидир бу.  
Сизларга кўз тиккандир Ватан.  
Лекин бу ҳол... қайғулидир бу:

Бу кун, ахир ўзгача талаб,  
Ҳар соҳада янгича қуриш.  
Ҳурофотдир энди ўнталаб  
Оилада бола ўстириш.

Сиз, бригадир, айтинг-чи, дейлик,  
Маошингиз тайин, ўлчовли.  
Ун фарзандга етарми ойлик,  
Ё каттами томорқа, ҳовли?

Раис бўлса гўё билмайди —  
Нечта қизу нечта ўгли бор...  
Бир маошга яшаб бўлмайди...  
Хўш, яшашнинг қандоқ йўли бор?!

Демак, сизлар у ер-бу ердан  
Ялаб-юлқаб, ташийсиз уйга.  
Гоҳ энидан, гоҳо бўйидан  
Тўрмалайсиз маърака, тўйга.

Айтинг энди, олам аҳлида  
Юлғичлар ким, сохталар кимдир?  
Демак, аён бўлар, аслида  
Ун болалик оталар кимдир!

## Чол

Бу гаплардан бир сапчиб тушди  
Ўтирганлар, ичи таталаб.  
Шу тариқа қора бўлишди  
Ўн болалик шўрлик оталар.

Бригадирнинг кўзи пирпираб,  
Ҳамияти қўзғади ёмон...  
Истеҳзоли вакилга қараб  
Бўғинлари бўшашди шу он...

## Бригадир

Бир сўз дейин сизга ботиниб,  
Ўз-ўзимдан менинг кўнглим тўқ:  
Борар эдим кимга ўтиниб —  
Ўн боладан бошқа айбим йўқ...

## Вакил

Хуллас, энди бошқа иш топинг —  
Ўзингизга мосроқ, бундоқроқ,  
Бригадада ё кетмон чопинг  
Ё колхоздан юринг узоқроқ...

## Бригадир

Бўпти! Олинг! Мен бир пиёда!  
Ишсиз қолмас эр йингит фақат.  
Ким топдики ушбу дунёда  
Мен топгайман меҳнатсиз роҳат!..

Кейин, ана, уйда кетмон тахт,  
Одам қилган кетмон-ку, асли.

Ота юрtdа ер чопмоқ ҳам бахт —  
Мен ўзбекнинг пахтапарастиди...

Ўнта эдик, ака-укалар,  
Тўққизтамит қолди урушда.  
Тақдир ҳамон мени яккалар,  
Менга сари қисмат юришда...

### Вакил

Гапни чўзманг, бригадир, етар,  
Мен ҳам жангда бўлганман, о, жанг!  
Лекин сизни, ўлайин агар,  
Бирон жойда кўрмабман, қаранг!

### Бригадир

Йўқдир бевақт ҳазилга ҳушим,  
Ҳам бу таҳқир, бу сўроқларга.  
Ўн фарзандим — менинг бахт қушим,  
Тил тегизманг бегуноҳларга.

Улғайтирар бир тўн ўнтасин,  
Бир ёқадан ўн бош чиқади...  
Уруш қилса нокаслар тагин,  
Аминманки, шулар йиқади...

### Вакил

Осон эмас фарзанд ўстириш,  
Товуққа ҳам дону сув керак...  
Баъзан зарур йўқни йўндириш,  
Бир жуфтидан қон бўлди юрак...



## Бригадир

Кийинади энг сўнгги урфда  
Уша икки болангиз бироқ.  
Бизда бўлса битта ковушда  
Улғаяди неча жуфт оёқ...

Еб-ичиш ҳам шунга қарайди,  
Энг муҳими, бизда кўп чой-нон...  
Ёшми-қари, ишга ярайди —  
Пахта ҳиди бўлади дармон...

## Вакил

Текин келар уйга нимадир,  
Нималардир совға йўлида...  
Ҳатто, манов жиззали патир  
Кириб келган биров қўлидан.

## Бригадир

Бу дунёда бригадир сероб,  
Сиз айтгандай, порахўр ҳам бор.  
Лекин тўртта виждонсиз сабаб,  
Наҳот, босса барчани ғубор.

Наҳот, одам — назарингизда  
Фақат пора олиб яшайди?!  
Наҳот, шундай дала-ю, тузда  
Юлғич макон қуриб, яшнайти?!  
.

Наҳот, энди серфарзандлик айб,  
Болажонлик этилса таҳқир:

Фарзандларим турса мунгайиб,  
Бўлганлигим учун бригадир?!

Болажонлик ҳусн халқимга,  
Насибасин бермайди биров...  
Сиз тиф урманг қитиқ патимга,  
Нечун мазах, нечун бу сўров?..

### Вакил

Кимга керак ваҳима, фарёд,  
Болангизни ким этди таҳқир?  
Серфарзандлар олар мукофот,  
Қандай яшар бригадир, ахир: —

Мени кўпроқ қизиқтирар шу!  
Бошқасига ишим йўқ, иним!  
Баҳсингиздан босмоқда уйқу,  
Сергапликни суймайди жиним!

### Бригадир

Ундай бўлса, юринг уйимга,  
Турмушимни кўринг ўзингиз.  
Ҳеч тўн бичманг қараб бўйимга,  
Шувут бўлиб қолгай юзингиз.

Ун фарзанднинг — муаллим бири,  
Бири кўмир конида — тоғда.  
Қолганлари далада бари,  
Фақат кенжам ҳали сабоқда.

Булар ҳам болажон чиқишди,  
Уй тополмай ижроқўм ҳалак.  
Бир-бирини роса чўқишди,  
Катта уйда отишиб палак...

Бизлар шундай бир оз қизиққон,  
Сизнинг учун балки хатодир.  
Аслида-чи, бор Ўзбекистон  
Кўп болалик битта отадир!..

## МУНДАРИЖА

Сўз ҳам ватан . . . . .	3
Ота юрт . . . . .	3
Сафарда ёзилган шеър . . . . .	4
Муҳаббат . . . . .	4
Укам Аҳмаджонга хат . . . . .	5
Мерос . . . . .	6
Дарахтнинг бахти . . . . .	8
Енғин ва тошқин . . . . .	8
Бир тоғ ётар . . . . .	9
Толдибулоқ . . . . .	9
Чоллар . . . . .	10
Алишернинг шеъри . . . . .	10
Қарғама шамолни . . . . .	11
Арслонбоб . . . . .	11
Ҳақиқат дарахти . . . . .	13
Искандарнинг шохи . . . . .	14
Уғирланган оқибат . . . . .	15
Осмон деганлари . . . . .	16
Мувозанат . . . . .	17
Урушнинг сўнгги қурбони . . . . .	17
«Уй керак...» . . . . .	18
Қиприкдаги юк . . . . .	18
Жангчининг онаси . . . . .	19
Жангчининг беваси . . . . .	19
Почтачилар . . . . .	20
Инқилоб хиёбонида . . . . .	20

Ўттиз ёшлилар . . . . .	21
Биз дунёда чақалоқмиз . . . . .	22
Синчли уйлар . . . . .	23
Хаёл . . . . .	23
Қуёшга қасума-қасд . . . . .	24
Интиқлик . . . . .	24
Ўз ичига сиғмаган одам . . . . .	24
Қадамнингда . . . . .	25
Хусайнилар . . . . .	25
Гулларга раҳм қил . . . . .	25
Тарки одат . . . . .	26
Байрампараст кимса . . . . .	26
Олачалпоқ туш . . . . .	26
«У аввал...» . . . . .	27
Деворнинг қулоғи . . . . .	27
Қия йўл . . . . .	27
Қуш ва юрак . . . . .	28
Рақс . . . . .	28
Япроқ . . . . .	28
Суҳбат . . . . .	29
Йўлдаги тош . . . . .	29
Хотира . . . . .	29
Қабристонда . . . . .	29
Қайроқ тошга . . . . .	30
Кошки . . . . .	30
Тўхтама . . . . .	30
Ундай бўлмаган . . . . .	30
Энди бу нимаси . . . . .	30
Ранг . . . . .	31
Фикр . . . . .	31
Сўнгги хулоса . . . . .	31
Қўмсаш . . . . .	31
«Чиллада оқўрик...» . . . . .	32
Ўйчан кўзларинг . . . . .	32
Энди нима бўлар . . . . .	32
Болани алдашди . . . . .	33

Юр энди қишлоққа кетамиз . . . . .	34
Хазанак олмадек . . . . .	34
Сой бўйида . . . . .	35
Ой тўлган тунлар . . . . .	35
Ёмғир ёғар . . . . .	35
Қақнус . . . . .	36
От ҳайдаш . . . . .	36
Оқ терагим . . . . .	37
Қўшиқ . . . . .	38
Бурчаклар . . . . .	38
Қорасув бўйида . . . . .	39
Беланчак . . . . .	39
Уйгоқлик . . . . .	40
Бева . . . . .	41
Яйловдан қайтиш . . . . .	41
Қампирнинг девори . . . . .	42
Ун болалик оталар . . . . .	43

На узбекском языке

**ЯКУБЖОН ХОДЖАМБЕРДИЕВ**

**ПОЛНОЛУНИЕ**

**Стихи**

Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобиغا босилди.

Жамоатчи редактор **М. Кенжабоев.**

Нашриёт редактори **М. Ҳайдаров.**

Рассом **Н. Кожина.**

Расмлар редактори **А. Мамажонов.**

Техн. редактор **Н. Сейдуалиева.**

Корректор **О. Турдибекова.**

ИБ № 3921

Босмаҳонага берилди 16. 06. 87. Босишга руҳсат этилди 21. 10. 87.  
Р 17791. Формати 70x90 1/32. Босмаҳона қоғози № 2. Адабий  
гаринтура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,05. Шартли кр-  
оттиск 2,18. Нашр л. 2,0. Тиражи 5000. Заказ № 31. Баҳоси  
25 т.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.  
Тошкен, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
ЎзССР Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмаҳонаси.  
Бекобод, 702909, Аббосова кўчаси.

## **Хўжамбердиев, Ёқубжон.**

Ой тўлган тунлари: Шеърлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 — 56 б.

Шеър ихлосмандлари Ёқубжон Хўжамбердиевни «Зарурат» (1981 йил) тўплами орқали танийдилар. Ушбу «Ой тўлган тунлари» китобида шоирнинг ота юртга, она табиатга, эл-юрт тақдирига фаол муносабати турли шаклларда ўз ифодасини топган. Унда пок ва безовта бир қалбнинг таржиман ҳолини ўқиш мумкин.

**Ходжамбердиев Я. Полнолуние: Стихи.**